

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**БЕКНОЗАРОВА ЗАМИРА ФАРМАНОВНА**

**МУҲАНДИСЛИК ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
(физика ўқитиш мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Бекнозарова Замира Фармоновна**

Муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини  
шакллантириш ..... 3

**Бекнозарова Замира Фармоновна**

Формирование профессиональной компетентности студентов  
инженерных специальностей..... 23

**Beknozarova Zamira Farmanovna**

Formation of professional competence of students of engineering  
specialities..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**БЕКНОЗАРОВА ЗАМИРА ФАРМАНОВНА**

**МУҲАНДИСЛИК ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
(физика ўқитиш мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2022.1.PhD/Ped2843 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш  
веб-саҳифасида ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталда  
([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Усаров Жаббор Эшбекович  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** Джумабоев Давлатёр Халилович  
Физика-математика фанлари доктори, профессор  
Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий  
кенгашнинг 2022 йил "24" февраль соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади.  
(Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темура кўчаси, 104-уй.  
Тел: (99870) 712-27-55; faks: (99870) 712-45-41; e-mail: [chdpi-kengash@umail.uz](mailto:chdpi-kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институтининг Ахборот-  
ресурс марказида танишиш мумкин ( 81 рақами билан рўйхатга олинган).  
Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темура кўчаси, 104-уй.  
Тел: (99870)712-27-55; faks: (99870) 712-45-41; e-mail: [chdpi-kengash@umail.uz](mailto:chdpi-kengash@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил "10" февраль кунни тарқатилди.  
(2022 йил "10" февраль даги 21 рақамли реестр баённомаси).

  
Б.Х. Эшчанов  
илмий даражалар берувчи, Илмий  
кенгаш раиси, ўринбосари, Ф.ф.д., доцент  
Д.М. Махмудова  
илмий даражалар берувчи, Илмий  
кенгаш илмий котиби, Ф.ф.д., доцент  
Р.А. Эшчанов  
илмий даражалар берувчи, Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда физика фанидан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, муҳандислик йўналиши талабаларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлаш жараёнларида компетентли ва методологик ёндашувлардан кенг миқёсда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳоннинг энг илғор университетларида тизимли, амалий ва ускунавий дастурий таъминотлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда физикадан таълим жараёнини самарали ташкил этиш ҳамда бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш ўта долзарбликка эга. Бунинг учун замонавий педагогик технологиялар (Case-Study, Pyramid, Research) ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиб физика ўқитиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш индекси (ICT Development Index) бўйича етакчилик қилиб келаётган давлат-ларнинг педагогик тажрибаларида, асосан, замонавий педагогик технологиялари ва ахборот-коммуникация технологияларини физикадан таълим жараёнига кенг татбиқ этиш ҳамда таълимнинг сифат даражасини янги босқичга кўтаришда бўлажак муҳандисларда лойиҳалаш ва тадқиқотчилик каби касбий компетенцияларни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Жумладан, табиий-илмий, умумкасбий ва ихтисослик фанларини фанлараро интеграцион ўқитиш, дастурлаш тилининг инновацион муҳитидан фойдаланиб физикадан педагогик дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ахборот-дидактик таъминотини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, техника олий таълим муассасаларида муҳандислик йўналиши талабаларини физика ўқитиш жараёнида халқаро стандартлар даражасидаги касбий фаолият турларига тайёрлашда дастурий воситалар ва таълим методларидан самарали фойдаланиш орқали меҳнат бозори талабларига мувофиқ касбий компетенцияларини шакллантириш заруратини тақозо қилади.

Мамлакатимизда замон талаблари асосида физикадан таълим жараёнини ташкил этиш, жумладан, техника олий таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали юқори малакали муҳандисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Бўлажак муҳандисларга методологик, компетенциявий ва тизимли ёндашувлар асосида физика ўқитиш таълим сифати ва самарадорлигини, муҳандислик мутахассислигига хос сифатларни ошишига ҳамда лойиҳалаш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. 6-сон, 70 модда.

тадқиқотчилик каби касбий компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда физика таълимини ривожлантириш масаласида Б.Мирзахмедов, О.К.Қувондиқов, К.А.Турсунметов, М.Қурбонов, Р.Д.Шодиев, И.Ғ.Турсунов, ўқитишда компетенциявий ёндашувлар асосида фанни ўқитиш жараёнини ривожлантириш ва уни фаолиятга тайёрлаш муаммолари Н.Ш.Турдиев, Ж.Э.Усаров, Г.Карлибаева, Қ.Т.Суяров, Б.Бобоев, таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш масалалари А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, М.Эргашов, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Турақулов каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимлари томонидан К.Г.Митрофанов, Д.А.Иванов, О.В.Соколов, Т.А.Лазарева, Л.И.Черкасова, Л.А.Васильева, А.А.Болтенков, Б.В.Бушуева, М.А.Чижик, С.В.Лукичев ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишлари техника олий таълим муассасаларида таълим жараёнида касбий компетенцияларини шакллантириш муаммоларига қаратилган.

Техника олий таълим муассасаларида таълим жараёнида талабаларда зарурий касбий компетенцияларни ривожлантириш, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш муаммолари хорижий давлатлар олимларидан D.McClelland, T.Hoffmann, R.Hagerti, A.Meuxu, J.Diksonларнинг илмий ишларида ўрганилган бўлсада, муҳандислик йўналиши талабаларини бугунги кун физика таълими жараёнида касбий компетентлигини ривожлантириш,

замонавий методик дастурий маҳсулотларни амалиётга татбиқ этиш имкониятларини педагогик муаммо сифатида ўрганиш зарурати мавжуд.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Физика ва астрономия ўқитишни ахборот технологиялари, педагогик технологиялар, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги (2017-2022 йй.) илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** физика ўқитиш жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш омиллари, хусусий компетенциялар юзасидан олиб борилган тадқиқот ишлари ва илмий методик адабиётларни таҳлил қилиш;

муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини физика таълими орқали шакллантиришнинг концептуал методик тизими, мажмуавий топшириқлардан фойдаланиш даражаларини ўрганиш;

физика ўқитиш жараёнида бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни шакллантиришнинг ташкилий-функционал, мустақил фаолиятига асосланган дидактик тамойилларини ишлаб чиқиш;

бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни шакллантиришнинг дидактик таъминотига асосланган модулли технологияларини интерфаол усуллар билан интегративлигини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида физика ўқитиш жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш жараёни белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** физика ўқитиш жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Психологик, педагогик, математик, табиий-илмий, умумкасбий ҳамда ихтисослик фанларига доир адабиётларни тадқиқот муаммоси ва фанлараро узвийлик нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил қилиш; муҳандислик бакалаврият таълим йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари (ДТС)нинг таҳлили; математик ва табиий-илмий, умумкасбий ҳамда ихтисослик фанлари бўйича ўқув, ўқув-методик адабиётлар таҳлили; техника олий таълим муассасалари тажрибасини умумлаштириш; талабалар фаолиятини кузатиш, ўқитувчилар билан суҳбат қилиш; талабалар ва ўқитувчилар ўртасида сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синовини олиб бориш ва унинг натижаларини математик-статистика методлари ёрдамида қайта ишлашни ташкил этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

физикани ўқитиш жараёнида бўлажак муҳандисларнинг зарурий касбий компетентлигини шакллантиришнинг методик тузилмаси ноаниқлик шароитида миллий (физикани ўқитиш мақсадларининг ўзгариши, педагогик технологиялар ривож, ўқув-техник мажмуаларнинг янгиланиши), таълимий (ўқитиш тизими ва шакллариининг янгиланиши) омилларнинг таъсир даражасини ҳисобга олиш орқали хусусий компетенциялар тизимини (касбий-техник, конструкторлик, лойиҳавий, технологик, ташкилий-бошқарув, эксплуатация хизматига доир) ишлаб чиқиш орқали аниқлаштирилган;

бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни физика таълими орқали шакллантиришнинг методик жиҳатлари математик моделлаштириш методи орқали ечим топиладиган соҳага доир мажмуавий топшириқлардан физика машғулотларида фойдаланишнинг беш даражали (ахборот берувчи, репродуктив, таянч, мураккабликни ошириш, ижодий) алгоритмининг динамик тарзда такомиллаштириб бориш асосида кўрсатиб ўтилган;

физика таълими жараёнида бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни шакллантиришнинг ташкилий-функционал модели тўрт (йўналтириш, режалаштириш, бажариш, натижаларни назорат қилиш) босқичли методикаси фаолиятни моделлаштиришнинг мустақил таълимга асосланган механизмнинг дидактик таъсирининг продуктивлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни шакллантиришнинг дидактик таъминоти физикани ўқитишнинг тайёргарлик, баҳолаш, коррекция, портфолиони шакллантиришга асосланган модулли технологиясини когнитив, шакллантирувчи ва ижодий босқичларда самарали қўллашга имкон берувчи ўлчов кейслари, ишбоп ўйинлар, маҳорат дарслари, рефлексив кундалик каби интерфаол усуллар билан интегративлигини жадаллаштириш орқали ривожлантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини физика ўқитиш асосида шакллантиришга қаратилган таълим методларидан самарали фойдаланилган ва дастурий воситалар устуворлигини таъминлаган ҳолда талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи “Физика фанидан лаборатория ишлари”, “Физика” номли ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

бўлажак муҳандисларни физикадан таълим жараёнида касбий компетентлигини шакллантиришнинг концептуал методик тизим моделига асосланган методик модели мақсадли, жараёнли, технологик, диагностик ва натижавий компонентларнинг узвийлигини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

бўлажак муҳандисларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва созлаш, яратувчанлик, конструкторлик, тадқиқотчилик бошқарув каби касбий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган дастурлаш асосида физика

фанига доир “Горизонтга бурчак остида отилган жисм ҳаракатини ўрганиш компьютер дастури”, “Қуёш системасини ўрганиш компьютер дастури” номли педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Муҳандислик йўналиши талабаларини физикадан таълим жараёнида касбий компетентлигини шакллантиришнинг илмий-назарий, илмий-методик асослари мамлакатимизда физика таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмунига ҳамда мазкур муаммо бўйича республикамиз ва хорижий педагог-тадқиқотчиларнинг илмий-назарий ғояларига асослангани; тадқиқот методларининг тадқиқот вазифаларига мос равишда татбиқ этилгани; илгари сурилган илмий ғояларнинг ўтказилган тажриба-синов натижаларидаги ижобий кўрсаткичлари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ўтказилган тадқиқотнинг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари “Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари” бакалавриат таълим йўналиши талабаларини физикани табиий-илмий (математика), умумкасбий (гидроэлектростанциялар) ва ихтисослик (гидроэнергетик қурилмалар) фанлари билан интеграцион ўқитиш асосида касбий компетентлигини шакллантириш методикасининг такомиллаштирилганлиги, талабалар иштирокида педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилганлиги ва таълим жараёнига татбиқ этилганлиги, илмий тадқиқотлар ҳамда тажриба-синов ишлари натижаларини қайта ишлашда дастурий воситалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти физика ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг концептуал методик тизимининг модели ишлаб чиқилганлиги, “Физика фанидан лаборатория ишлари”, “Физика” номли ўқув қўлланмалар, дастурлаш тилларида физика фанига доир “Горизонтга бурчак остида отилган жисм ҳаракатини ўрганиш компьютер дастури”, “Қуёш системасини ўрганиш компьютер дастури” каби педагогик дастурий маҳсулотлар яратилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Физикадан таълим жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни физика таълими орқали шакллантиришнинг методик жиҳатлари математик моделлаштириш методи орқали ечим топиладиган соҳага доир мажмуавий топшириқлардан физика машғулотида фойдаланишнинг ахборот берувчи, репродуктив, таянч, мураккабликни ошириш, ижодий даражали алгоритмини динамик тарзда такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан “Физика фанидан лаборатория ишлари” номли ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда

фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон буйруғи, 892-051-рақамли гувоҳнома). Натижада бўлажак муҳандисларнинг зарурий касбий компетенцияларини физикани ўқитиш жараёнида лойиҳалаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

физика таълими жараёнида бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни шакллантиришнинг ташкилий-функционал босқичли методикаси фаолиятни моделлаштиришнинг мустақил таълимга асосланган механизмнинг дидактик таъсири продуктивлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Физика (Электростатика. Электромагнетизм. Тебранишлар ва тўлқинлар)” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи, 522-024-рақамли гувоҳнома). Натижада муҳандислик йўналишида физикани компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш самарадорлигини оширишга эришилган;

бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни шакллантиришнинг дидактик таъминоти физикани ўқитишнинг тайёргарлик, баҳолаш, коррекция, портфолиони шакллантиришга асосланган модулли технологиясини самарали қўллашга имкон берувчи интерфаол усуллар билан интегративлигини жадаллаштиришга оид тавсиялари асосида “Изожараёнларни ўрганиш учун компьютер дастур” ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 2021 йил 7 июлдаги №12297 гувоҳномаси). Натижада мазкур техник дастурий маҳсулотлар бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлик даражасининг ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами илмий-услубий 20 та иш чоп этилган бўлиб, 2 та ўқув қўлланма, ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий журналларида нашр қилинган. Дастурий маҳсулотлар учун Интеллектуал мулк агентлигидан 3 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти,

натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Физика ўқитиш жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммоси ва жорий ҳолати, физика ўқитиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди, компетентли ёндашув асосида физикадан таълим бериш – муҳандислик йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш омиллари ўрганилди.

Кадрларга бўлган компетенциявий талаблар, ҳозирги кунда бўлажак муҳандисларнинг ижтимоий талабларга жавоб бериши, меҳнат бозоридаги талаб, юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш зарурлигини келтириб чиқаради. Компетентлик (лот. competent – махсус, тўғри) – бу шахснинг билим, кўникма, малакаси ва тажрибасининг, шунингдек, маълум ижтимоий-касбий ҳолатида мавжуд муаммоларнинг ва бажарилаётган касбий вазифаларнинг ҳақиқатан мавжудлик даражасига мувофиқлиги ўлчовидир. Ушбу тушунча “малака” атамасидан фарқли ўлароқ, соф касбий билим ва кўникмалардан ташқари, ҳамкорлик, ташаббускорлик, мулоқот қобилиятлари, гуруҳда ишлаш, илмий ўрганиш, мантиқий фикрлаш, масъулиятли қарорлар қабул қилиш каби қобилиятни ёки “мансабдор шахснинг ёки бошқарув органининг ваколат доираси: касбий аҳамиятли даражада муҳим қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган махсус саволлар”ни ўз ичига олади.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишларида “компетентлик” тушунчаларига турлича таъриф берилган. Масалан, К.Г.Митрофанов, Д.А.Иванов ва О.В.Соколоваларнинг илмий ишларида ҳам компетенциялар ўрганилган унда “Компетентлик – бу инсоннинг ҳар қандай касбий фаолиятни бажара олиш қобилиятидир” каби таърифлар берилган. Педагоглар касбий фаолиятда муаммоли вазиятларнинг ечимини топиш самарадорлигини касбий компетентликнинг асосий меъёрий ўлчовини: асосий компетентлик; умумлаштирилган фан кўникмалари; амалий мавзулар бўйича кўникмалар; ҳаётий кўникмалар сифатида кўриб чиқишни таклиф қилишади. Масалан, учинчи йўналиш таълимнинг амалий тавсифини кўчайтиришга, тўртинчи йўналиш эса “ҳаётий” кўникмаларини ўзлаштириш вазифаларини ҳал қилишга қаратилади.

Техника олий таълим муассасалари битирувчиларида фанлараро жамоавий ишлаш, жамоа аъзоларининг фикрларини ҳисобга олиш, жамоавий қарор қабул қилиш қобилияти ҳамда ўзгаришларга мослашувчанлик компетенцияларини шакллантириш зарурати мавжуд бўлиб, улар таълим фаолиятининг мазмунини бўлажак гидротехнолог-муҳандисларга физик топшириқларни бажаришда зарур бўлган илмий билимлар, касбий маҳорат ва сифатларни шакллантиришни кўзда тутди. Таълим жараёнида физика фанини ўқитиш тизими ва шакллариининг янгиланиши каби омилларнинг таъсир даражасини ҳисобга олиш орқали касбий-техник, конструкторлик,

лойиҳавий, технологик, ташкилий-бошқарув, эксплуатация хизматига доир хусусий компетенциялар тизимини ишлаб чиқиш бўлажак инженерларнинг касбий фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Бу эса физикадан фанлараро интеграцион ўқитиш, талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда иш берувчи эҳтиёжларини ҳисобга олиш каби муаммолар ечимини беради. Демак, битирувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммоси, бир томондан касбий компетентлик таркиби ва мазмунини аниқлаш, уни амалга ошириш учун педагогик технологияларни излаш ва амалга оширишдир.

Бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни шакллантиришда физика ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида муҳандисларда касбий фазилатларни таълим-тарбия жараёнида шакллантириш, физика қонунларини қўллаш, касбий фаолиятда фойдаланадиган муҳандислик қурилмаларни билишлари, физик жараёнларни яхши билишлари технологияни яратишда физиканинг фундаментал фанларидан бири эканлигини кўрсатиш мумкин. Н.А.Лебединская таърифига кўра, “агар физик муҳандис бўлиши шарт бўлмаса, муҳандис шунчаки физик бўлиши керак”.

Шундай қилиб, Олий таълимда методологик ва тизимли ёндашув асосида машғулотларни ташкил этиш, бўлажак муҳандиснинг физикадан эгаллаган билимлар тизимини самарали ўзлаштиришига олиб келади. Тизимли ёндашув – бу муҳандиснинг келажакдаги касбий фаолиятда дуч келадиган ва тобора мураккаблашиб боровчи муаммолар тўпламини ҳал қилишга ёрдам берадиган аниқ бир усулни топишга уринишидир. Илмий тадқиқотларнинг тизимлилиги назарий фикрлашнинг тарихий меъёрларини ўзида мужассам этган “фикрлаш услуги”га айланади. Тизимли фикрлаш бу бўлажак муҳандисни касбий фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун етарли усул сифатида тизимли таҳлилдан фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш, компетенциялар мажмуини шакллантириш, компетентли муҳандис бўлиб етишиши зарурлигини англашга йўналтиради. Шунинг учун касбий фаолиятнинг тизимли ва методологик сифатларини ҳамда зарурий касбий компетенцияларини (лойиҳалаш, конструкциялаш, тадқиқотчилик, ишлаб чиқариш ва созлаш) ривожлантиришга ҳисса қўшувчи элементларни ўз ичига оладиган бундай усулларни яратишга эътибор бериш керак.

Компетентли ёндашув асосидаги таълим муҳандислик йўналиши талабаларини касбий компетентлигини шакллантириш омили ҳисобланади. Бўлажак муҳандиснинг зарурий касбий компетенцияларини шакллантириш физика, математика, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганиш орқали амалга оширилади. Бунда, асосан, энг катта қизиқиш амалий машғулотлар билан ифодаланади. Масалан, физика курсининг амалий ва лаборатория машғулотларида талабалар маълум мавзу ёки бўлимни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларида тайёр ечим алгоритмларидан фойдаланадилар ва кейинчалик мураккаброқ касбга йўналтирилган масалаларни ечиш йўлини мустақил ўзлари белгилайдилар. Натижада физика курсида касбий муаммоларини ечишда талабалар ўз касбий фаолиятида муҳандис учун зарур

бўлган лойиҳалаш, кострукциялаш, тадқиқотчилик, ишлаб чиқариш ва созлаш, бошқарув ва тадқиқотчилик компетенциялари шаклланади. Натижа олингандан сўнг муҳандислик масаласини ечишнинг рефлексив босқичи юзага келади.

Олий таълим муассасасида физикани ўқитишда касбий муаммони ечишга ўргатишнинг энг самарали усуллари алгоритмик ва консультация усули ҳисобланади, чунки улар касбий компетентликнинг етарлича юқори даражасини шакллантиришга имкон беради. Алгоритм бўйича талабалар томонидан бажариладиган ҳар бир қадам маълум бир асосий компетентлик ёки умумкасбий компетенциялар гуруҳини шакллантиришга қаратилган бўлиши керак. Тадқиқот жараёнида муаммони ҳал этиш усулларига компетентли ёндашувининг схемаси ишлаб чиқилган, бу эса вазифаларни тўғри танлаш, жавоб топишнинг тегишли усуллари, ечишнинг умумлаштирилган усулларида фойдаланиш ва шунга мос равишда зарур ахборот ҳамда услубий таъминотни ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Физика ўқитиш жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларини касбий компетентлигини шакллантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида физика ўқитиш жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш модели, муҳандислик йўналиши талабаларига физика ўқитишда кейс-технологиясидан фойдаланиш методикаси, физикадан фанлараро интеграцион таълим бериш асосида муҳандислик йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш методикаси хусусида фикр юритилган.

Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда педагогик моделлаштириш усули энг оммабоп бўлиб, модель сўзи борлик, табиат, жамият ёки фанда содир бўладиган ҳодиса ёки объектни тасвирлаш учун яратилган образли кўриниш сифатида тасвирланади. Тадқиқот ишида таълим йўналишига нисбатан концептуал тизимли ёндашувлар, физика ўқитиш босқичларида, яъни маъруза, амалий, лаборатория, мустақил таълим ва тўғарак машғулотлари методологиясига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Т.В.Волкованинг тадқиқот ишида моделлаштириш усули маълум бир педагогик жараёни бошидан охиригача тизимли ва мазмуний равишда ўрганишга имкон бериши, маълум компонентларининг узвийлигини ва ўзаро узлуксиз таъсирини, тизимнинг нафақат статик ва динамик ҳолатини, балки ўзгарувчан жараёнлар динамикасини ҳам ўрганиш мумкинлиги акс эттирилган. А.А.Остапенко эса олий таълим тизимини моделлаштириш жараёнида мақсадли, мазмунли, жараёнли, диагностик ва натижавий компонентларини ажратиб кўрсатади. Умуман олганда, бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш модели турлича бўлиши мумкин, шунинг учун педагогик моделлаштириш жараёни тадқиқотчига илмий мотивация берувчи маълум бир объектнинг муайян таркибий компонентларига қаратилади.


Тадқиқотимиз доирасида моделлаштириш объекти физика фанини ўқитишда бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёни бўлиб, унинг концептуал методик компонентлари ҳамда физика

Ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг дастлабки, асосий ва якуний босқичларида аниқланади. Ишлаб чиқилган модель мақсадли, мазмунли, жараёнли, диагностик ва натижавий таркибий блоклардан иборат бўлиб, бўлажак муҳандиснинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг асоси сифатида кўриб чиқиш имконини берадиган тизимли, методологик ва компетентли ёндашувларни қамраб олади. Методик моделнинг назария билан амалиётни боғлаш, билиш фаолияти ва ўқитиш мазмунини тизимлашда муаммоли ёндашув, ўқув жараёнини интенсифлаштириш, касбий фаолиятга тайёрлаш каби педагогик тамойилларга асосланди. Бўлажак муҳандислар касбий фаолият компетентлигини физика таълими орқали шакллантиришнинг методик жиҳатлари, математик моделлаштириш методи орқали ечим топиладиган соҳага доир мажмуавий топшириқлардан физика машғулотида ахборот берувчи, репродуктив, таянч, мураккабликни ошириш, ижодий каби фойдаланишнинг беш даражали алгоритминини динамик тарзда такомиллаштириб бориш жиҳатлари асосланди.

Физика ўқитиш жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларини касбий компетентлигини шакллантириш модели 1-расмда келтирилган.

Моделнинг методик компоненти сифатида муҳандислик йўналиши талабаларига физика ўқитишда кейс-технологиялари тавсия этилди. Мақсад физикани ўқитишда амалий кўникмаларни ривожлантириш ва касбий компетентлигини шакллантириш масаласини ҳал қилишда педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятларини очишдан иборат. Н.А.Клешеванинг фикрига кўра: "... физика ўқитиш технологияси, асосан, физика фани ўқув жараёнини ташкил этишнинг сифати ва даражаси унинг илмий билимлар тизимидаги ва муҳандислик касбий фаолиятга тайёргарлиги билан белгиланади". Физика ўқитиш технологияси ҳам мақсадга йўналтирилганлик; мазмун; илмий ғоялар; профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ҳаракатлар тизими; натижани баҳолаш мезонлари; диагностик натижаларини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, физика ўқитиш жараёнида педагогнинг маълум бир услубий ёндашувига концептуал асосланиши, ўқитишда коммуникатив компетентликнинг технологик занжири аниқ ва мақсадга мувофиқ равишда қурилиши, шахсга йўналтирилган ва табақалаштирилган тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатини, касбий фаолият компетентликни шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонлари ва воситаларини ўз ичига олиши керак. Физикани ўқитиш жараёнида бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни шакллантиришнинг ташкилий-функционал модели тўрт босқичли: йўналтириш, режалаштириш, бажариш, натижаларни назорат қилиш методикаси фаолиятни моделлаштиришнинг мустақил таълимга асосланган механизмнинг дидактик таъсири продуктивлигини таъминлаш жиҳатлари ўрганилди.



1-расм. Физика ўқитиш жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларини касбий компетентлигини шакллантириш модели.

Мисол тариқасида касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган физика ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўлланиладиган кейс-технологияларини келтириб ўтиш мумкин.

Кейс-технологиясида аниқ ёки яширин физикавий муаммо билан касбий фаолиятда юзага келадиган муайян касбий вазиятни тавсифловчи муаммоли-вазиятли топшириқни ҳал қилишда мажмуавий ёндашувга асосланади ҳамда ўқитувчининг талабаларга воқеаларни тушунарли тилда баён қилиши, таълим жараёнининг муайян мақсадларига эришишга хизмат қиладиган педагогик восита сифатида фойдаланилади.

Вазиятли топшириқлар танланишида аниқ касбга йўналтирилган тавсифли, аммо унинг ечими учун физикани билиш талаб қилинадиган, педагог-талаба кластеридаги тенг ҳуқуқли шериклар сифатида ҳаракат қилиш имконини берадиган, яъни талабаларда коммуникатив компетентликни шакллантиришга хизмат қиладиган тарзда танланади. Биз ишлаб чиққан кейс технологияси физиканинг айрим масалаларини эмас, балки умумий бўлимни ўрганишда қўлланилади. Кейс технологиясининг ўзи кейснинг турли бўлимларни ўз ичига олади: маъруза, амалий, лаборатория, мустақил таълим, тўғарак ва илмий тадқиқот. Кейс-технологиялари мажмуи таркиби физика + умумкасбий + ихтисослик фанларнинг ўзаро боғлиқлиги, фаолият методларининг шаклланганлиги, муаммоли вазиятларни ҳал қилиш қобилиятига эга касбий компетентликнинг шаклланганлиги билан белгиланади.

Физикадан фанлараро интеграцион таълим бериш асосида талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш методикасидан кўзланган мақсад – уларни илмий тадқиқот, лойиҳавий конструкторлик касбий фаолият турларига тайёрлаш, фанлараро интеграцион таълим беришни ўқув режага мувофиқ умумий ва касбий компетенцияларга қўйилган малака талабларни инобатга олган ҳолда амалга оширишдир. Бунда биринчи, физика-математика; иккинчи, электротехника ва электроника асослари; учунчи, гидроэлектростанциялар ҳамда тўртинчи, гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланиш каби фан блокларига ажратиб олиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, физика ўқитиш жараёнида фанлараро интеграцион таълим беришда фанлараро горизонтал интеграция, фанлар мавзулараро вертикал интеграцияга келтириш маъруза, амалий ва мустақил таълим машғулотларида ихтисослик фанлар билан интеграцион таълим бериш, шу билан бирга ихтисослик фанларига доир курс ишлари, малакавий амалиёт, битирув ишларини бажариш сифат даражасини ошириш, яъни фанлар интеграцияси асосида физика ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш йўл харитасини ишлаб чиқиш назарда тутилади (1-жадвал).

## Фанлараро интеграция асосида физика ўқитиш йўл харитаси

Мақсад	Фанлараро интеграция		Физика ўқитиш шакллари	Ривожлан-тириладиган компетенциялар	Таълим методлари	Натижа
Физика ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш	Математика	ФИЗИКА	Маъруза	Моделлаштириш	Муаммоли таълим	КОМПЕТЕНТЛИ МУҲАНДИС
			Амалий	Лойиҳалаш	Кейс-стади	
	Электроника ва электротехника асослари		Лаборатория	Конструкциялаш	Интерфаол таълим технологиялари	
	Гидроэлектростанция		Мустақил таълим	Тадқиқотчилик	Интегратив таълим технологияси	
	Гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланиш		Тўғарак	Педагогик	Лойиҳалаш ва тадқиқотчилик таълим методлари	

**Физикадан амалий машғулотда** талабалар қобилиятини ривожлантириш; физик ва муҳандислик ўлчов асбоблари ўртасидаги фарқларни топиш, уларнинг мақсадларини аниқлаш каби таълимий траекториялар аниқланди. “Электроника ва электротехника” фанини ўрганишда ўлчовлар ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш, олинган ўлчов натижаларини баҳолаш, шунингдек, ўлчаш кўникмаларини ривожлантириш ҳар қандай муҳандислик фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилади. Физика курсидан муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёни бир неча босқичларда олиб борилади.

**Тайёргарлик босқичида** ўқув йили бошида муаммоли вазият матни, адабиётлар ва “Электр” бўлимида ўрганиладиган мавзулар берилади. Масалан, кейс “Электр тармоқлари корхонаси операторига цилиндр шаклига эга бўлган ўтказгич қалинлигини ўлчаш ва ишга яроқлилигини баҳолаш” мазмунида берилиши мумкин. Кейс матнини ёзиш учун электрон кутубхоналар ва интернет манбаларидан ўқув ва илмий-техник маълумотлар тўпланади. Электр ўлчов воситаларининг ривожланиш тарихи ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган манбалар танланади. Бу талабалар томонидан муаммоли вазиятни синчковлик билан таҳлил қилиш ва физика дарсида электр мавзусига доир берилган муаммони гуруҳда ҳал қилиш учун турли саволлар тузишга, семестр давомида электр қонунларини, моддий объектлар ва ҳодисаларни электрлаштириш, трансформаторлар, гидроэлектростанциялар каби мавзуларни ўзлаштиришда ёрдам берди.

**Асосий босқичда** кейс-технологиялари мажмуини тўрт ахборотли-билиш, ҳисоблаш-моделлаштириш, тадқиқот, ижодий босқичда амалга оширилади ва касбий йўналтирилган муаммони ҳал қилиш учун алгоритмик тарзда ишлашга тўғри келади. Ҳар бир босқичнинг натижаси учта кўрсаткич бўйича тақдим этилади: 1) касбий фаолият мотивларининг шаклланиши;

2) касбий компетентликнинг шаклланганлиги; 3) физикадан муаммоли вазиятни ҳал қилишга ҳисса қўшиш.

**Тадқиқот босқичида** кейсинг тажриба топшириқлари гуруҳига техник ва намоиш воситаларининг иллюстратив кўргазмали тақдимотини ўз ичига олган ҳисоблаш топшириқлари, шартлари, тажриба маълумотларини аниқлаш, сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш, шунингдек, олинган натижаларни таҳлил қилиш учун математик моделни қуришни ўз ичига олади. Шунингдек, физикадан лаборатория ишларини бажаришда электр схемаларини тузиш, улаш ва физикавий катталикларни ўлчаш, ҳисоблаш каби касбий фаолиятга мос бўлган компетенциялар ҳамда ҳар бир муаммони ҳал этиш кетма-кетлигини аниқлаб олиш, яъни тадқиқотчилик ва конструкциялаш компетентликлари ривожланишига омил бўлади.

